



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 31 » iyul

№ 475

Toshkent sh.

### Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармони, “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон қарорига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва ушбу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон қарорига мувофиқ:

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази негизида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги **Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти** (кейинги йўринларда – Институт) ташкил қилинганлиги ҳамда унинг асосий вазифалари белгиланганлиги;

Институт юридик шахс ҳисобланган давлат илмий ташкилоти бўлиб, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий марказининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланниши;

Институтнинг жорий фаолияти, бино ва иншоотлардан фойдаланиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш (илмий ходимлардан ташқари) бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши;

Институт ходимларига Фанлар академияси тизимидағи илмий-тадқиқот муассасаларининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилиши;

Институт фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар 2021 йилда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги учун ажратилган бюджет ажратмалари доирасида молиялаштирилиши, 2022 йилдан эса Давлат бюджетининг харажатлар параметрларида белгиланган тартибда назарда тутилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

## 2. Белгилаб қўйилсинки, Институт:

илмий ташкилот сифатида давлат буюртмалари ва дастурларини амалга оширишда ҳамда фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб боришда иштирок этади;

Институт директори ва унинг ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бунда, Институт директорининг илм-фан бўйича ўринbosари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Институт тузилмасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Институтнинг “Интеллектуал дастурий тизимлар” қўшма лабораториясини (кейинги ўринларда – қўшма лаборатория) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

## Белгилансинки:

қўшма лаборатория Институтнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биносига текин фойдаланиш хуқуқи асосида жойлаштирилади;

қўшма лабораторияга Вазирлар Маҳкамасининг “Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузурида Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 19 июлдаги 603-сон қарори билан жорий этилган Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорининг илмий консультантини умумий раҳбарлик қиласи ва ишини мувофиқлаштиради.

#### 4. Қуйидагилар:

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирига, зарур ҳолларда, Институтнинг тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсан.

5. Институтга республикадаги илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларининг рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасида амалга ошираётган илмий ва ўқув фаолиятига, жумладан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали ҳузурида ташкил этилаётган Рақамли технологиялар илмий-инновацион марказига яқиндан кўмаклашиш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича қўшимча вазифа юклатилсан.

6. Қуйидагилар Институтнинг илмий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан илмий фаолиятга оид дастурларни амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан сунъий интеллект соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни молиялаштириш учун алоҳида очиладиган ҳисоб раками орқали ажратиладиган маблағлар;

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида устувор лойиҳаларни амалга оширишни, норматив-ҳуқуқий хужжатлар, илмий-тадқиқот ишлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу соҳада лойиҳаларни тайёрлаш учун тадқиқотлар ўтказиш максадида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда ушбу жамғарманинг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисоб рақамидан ажратиладиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Институт мурожаатларига кўра хорижий ва халқаро илмий ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришга кўмаклашсан.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда:

Институтнинг уставини тасдиқлаш ҳамда уни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

Институтни зарур телефон ва хукумат алоқаси ҳамда Интернет хизматлари билан таъминлаган ҳолда видеоконференция, интернет-форум ва телекўприк ташкил этишда техник ёрдам кўрсатиш чораларини кўрсин.

9. Институт Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани Бўз-2 мавзеси 17-а уй манзилида оператив бошқарув хукуқи асосида жойлаштирилсин.

10. Институтга 2 та, жумладан, 1 та шахсий бириктирилган ва 1 та навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 31 июлдаги 475-сон қарорига  
1-илова

**Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтининг  
ТУЗИЛМАСИ**



**Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини  
ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар  
ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>I. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасини ривожлантириш бўйича фундаментал, амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиши</b>					
1.	Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда илмий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиши.	1. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳаларида дунёда эришилган илмий натижаларни таҳлил килиш. 2. Сунъий интеллект соҳасининг ривожланишидаги тенденциялари бўйича таҳлилий материал тайёрлаш. 3. Тайёрланган таҳлилий материал асосида институтнинг илмий дастурини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш.	2021 йил август 2021 йил сентябрь 2021 йил октябрь	—	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги
2.	Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик йўналишлари бўйича, шунингдек мамлакатимизда юкори технологияларга асосланган, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп дастурий маҳсулотлар ва қурилмаларни ишлаб чиқиши юзасидан фундаментал ва амалий тадқиқот лойиҳаларини	1. Соҳалар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва Инновацион ривожланиш вазирлигига киритиш. 2. Эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиши. 3. Лойиҳаларни бажариш.	2021 йил августдан бошлаб доимий	Илмий фаолиятга оид дастурлар доирасида бажариладиган лойиҳаларга ажратиладиган маблаглар, лойиҳалар буюртмачилари маблаглари	Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти (Институт)

	тайёрлаш ва танловга тақдим этишини таъминлаш.					
3.	Кўшма альянс доирасида сунъий интеллект технологиялари соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқот ишларини амалга ошириш ва унинг натижаларини амалиётга жорий этилишини ташкил этиш.	1. Фундаментал ва амалий йўналишларда долзарб мавзулардаги лойиҳаларни Кўшма альянс иштирокчилари билан ҳамкорликда шакллантириш.  2. Шакллантирилган лойиҳалар мавзуларини Кўшма альянсда таҳлил қилиш ва танлаш.  3. Аниқланган лойиҳалар мавзуларини тасдиқлаш учун Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига киритиш.  4. Лойиҳалардан устуворларини аниқлаш ва молиялаштириш учун тегишли хulosаларни тайёрлаш ва молиялаштириш.	ҳар йили ноябрь ойида  ҳар йили декабрь ойида  ҳар йили январь ойида  белгиланган муддатларда	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармасининг сунъий интеллект учун мўлжалланган ҳисоб рақами маблағлари	Aхборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Кўшма альянс иштирокчилари, Институт	Мувофиқлаштириш комиссияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги
4.	Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича 2021-2022 йилларда қишлоқ хўжалиги, банк, молия, солик, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, электрон ҳукумат соҳаларида амалга ошириладиган тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш.	1. Тажриба-синов лойиҳаларида сунъий интеллект соҳасида устувор илмий йўналишларни аниқлаш.  2. Амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион лойиҳалар тайёрлаш.  3. Илмий тадқиқотларни ўтказиш ва натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.	2021-2022 йиллар	Буюртмачилар маблағлари	Институт, манфаатдор вазирлик ва идоралар	

5.	Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектни ривожлантириш стратегиясин ишлаб чиқиш.	<p>1. Стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлил натижалари асосида сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш муаммолари ва истиқболларини аниқлаган ҳолда стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Стратегия лойиҳасини хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб қилган ҳолда такомиллаштириш ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш.</p> <p>4. Стратегия лойиҳасини тасдиқлашни назарда тутувчи норматив-хукуқий хужжат лойиҳасини · Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритиши.</p>	<p>икки ҳафта муддатда</p> <p>2021 йил август</p> <p>2021 йил сентябрь</p> <p>2021 йил ноябрь</p>	-	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Институт, манфаатдор вазирлик ва идоралар
6.	Дастурий маҳсулот ва ахборот технологиялари технологик парки билан биргаликда электрон хукумат, таълим, соғлиқни саклаш, коммунал соҳа, ақлли шаҳар, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ахборот технологиялари ва сунъий интеллект технологиялари бўйича қўшма лабораториясини очиш.	<p>1. Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаш.</p> <p>2. Ҳамкорлиқда олиб борилидиган тадқиқот йналишларни белгилаш.</p>	2021–2022 йиллар	-	Институт, Дастурий маҳсулот ва ахборот технологиялари технологик парки

## II. Рақамли технологияларни ривожлантиришнинг илмий экотизимини шакллантириш

7.	Институт илмий салоҳиятини ошириш мақсадида Олий малакали кадрлар тайёрлаш бўйича амалий чоралар кўриш.	<p>1. Институт ходимларининг илмий салоҳиятини аниқлаб олиш ва илмий даражасиз ходимлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Илмий даражасиз ходимларга раҳбар ва мавзуу бириктириш.</p>	<p>икки ҳафта муддатда</p> <p>бир ой муддатда</p>	-	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Институт
----	---	---	---	---	--

		3. PhD/DSc илмий даражаларини олиш бўйича режа ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2021 йил сентябрь		
8.	Институтда сунъий интеллект соҳасида олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш.	1. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект бўйича ихтисослик очиш.  2. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект бўйича ихтисослик учун квоталарни шакллантириш ва Инновацион ривожланиш вазирлигига киритиш.  3. Сунъий интеллект соҳасида илмий кадрлар тайёрлаш жараёнини амалга ошириш.	2021-2022 йиллар	Илмий фаолиятга оид дастурлар доирасида бажариладиган лойихаларга ажратиладиган маблағлар	Олий аттестация комиссияси  Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Институт  Инновацион ривожланиш вазирлиги, Институт
9.	Институт қошида рақамли технологиялар ва сунъий интеллект бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (Dsc) илмий даражаларини берувчи илмий даражалар берувчи Илмий кенгашни ташкил этиш.	1. Илмий Кенгаш таркибини шакллантириш.  2. Шакллантирилган Илмий Кенгашни таркибини тасдиқлаш.  3. Илмий Кенгаш фаолиятини ташкил этиш.	2021 йил август  2021 йил сентябрь  2021 йил октябрь	-	Олий аттестация комиссияси, Институт, Инновацион ривожланиш вазирлиги
10.	Хорижий мутахассисларнинг иштирокида сунъий интеллект йўналишига доир илмий-техникавий анжуман ташкил этиш.	1. Ахборот хатини юбориш ва иштирокчиларни жалб қилиш. 2. Конференцияга материал тўплаш ва илмий экспертизадан ўтказиш. 3. Конференция материалларининг тўпламини тайёрлаш.	2021 йил сентябрь-ноябрь	Бюджетдан ташқари маблағлар	Институт

		4. Конференцияни ташкиллаштириш ва ўтказиш.			
11.	Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали ҳузурида Рақамли технологиялар илмий-инновацион марказини ташкил қилиш.	1. Рақамли технологиялар илмий-инновацион маркази фаолиятини йўлга кўйиш. 2. Рақамли технологиялар илмий-инновацион маркази тузилмаси, уставини тасдиқлаш ҳамда малакали ходимларни жалб қилиш. 3. Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиалининг ёш олимлари ҳамда талабаларини Рақамли технологиялар илмий-инновацион марказига кенг жалб қилиб бориш.	2021 йил август 2021 йил сентябрь 2021 йил октябрдан бошлаб доимий	-	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Институт
<b>III. Моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва замонавий лабораторияларни ташкил этиш</b>					
12.	Институт бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш ҳамда моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва замонавий лабораторияларни ташкил этиш чораларини кўриш.	1. Институт олдига кўйилган вазифаларни самарали бажариш учун мавжуд моддий-техник базани ҳамда бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиб чиқиши. 2. Ўрганиш натижасида капитал таъмирлаш ва зарур моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича харажатлар сметаларини ишлаб чиқиш ва таклиф киритиши. 3. Капитал таъмирлаш ҳамда моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш.	2021 йил август 2021 йил сентябрь 2022 йил давомида	Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Институт

13.	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ҳамда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги Интеллектуал-дастурый тизимлар илмий-амалий марказининг мавжуд моддий-техника воситаларини Институт балансига ўтказиш.	1. Мавжуд моддий-техник қурилмалар ва жиҳозлар рўйхатини шакллантириш. 2. Моддий-техника воситаларининг топширилиши ва қабул қилинишини таъминлаш.	2021 йил август-сентябрь	-	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Институт
14.	Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Институтнинг “Интеллектуал дастурый тизимлар” кўшма лабораториясини ташкил этиш.	1. “Интеллектуал дастурый тизимлар” кўшма лабораторияси фаолиятини йўлга кўйиш. 2. “Интеллектуал дастурый тизимлар” кўшма лабораторияси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш.	2021 йил август-сентябрь	-	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Институт

#### IV. Хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш

15.	Сунъий интеллект йўналиши бўйича замонавий усул ва алгоритмларни жорий этиш бўйича илғор хорижий инновацион ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни йўлга кўйиш.	1. Институт олимларининг чет эл институтларида стажировкаларини ташкил этиш. 2. Илғор чет эл институтлари мутахассисларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш. 3. Институт ходимлари учун маъруза ва семинарлар, маҳорат дарслари ўтказиб бориши	2021-2022 йиллар мобайнида	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Институт, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси
-----	---	--	----------------------------	--	--

16.	Сунъий интеллект йўналиши бўйича замонавий усул ва алгоритмларни жорий этиш бўйича Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети билан ҳамкорлик қилиш.	1. Лаборатория олимларининг Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университетида стажировкалари. 2. Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети мутахассисларининг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш. 3. Лаборатория ходимлари учун маъруза ва семинарлар, маҳорат дарслари ўтказиш.	2021 йил якунига кадар	Халқаро ташкилотлар грантлари, хўжалик шартномалари доирасида ажратиладиган маблағлар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Институт
17.	Хорижий нуфузли илмий марказ ва олий таълим муассасаларига мақсадли докторантурада таълим олишини ўлга қўйиш.	1. Докторантурага қабул қилишга тайёр бўлган хорижий илмий муассасаларини аниқлаш. 2. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг докторантурда таълим даструрлари очик стипендия танловларида иштирок этиш. 3. Очик стипендия танловларида ғолиб бўлган ходимларни ўрнатилган тартибда докторантурада ўқишини ташкил этиш.	2021 йил августдан бошлаб доимий	“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни кўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Институт, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси
18.	Рақамли иқтисодиёт ва сунъий интеллект бўйича дунёнинг етакчи компаниялари ва ташкилотлари билан қишлоқ хўжалиги, банк, молия, солик, транспорт, энергетика, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ижтимоий ва бошқа зарур соҳаларда ҳамкорлик қилиш.	1. Хорижий етакчи компаниялар ва ташкилотлари рўйхатини шакллантириш. 2. Етакчи халқаро компаниялар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни ўлга қўйиш. 3. Кўшма лойиҳаларни амалга ошириш.	2021-2022 йиллар мобайнида	Халқаро ташкилотлар грантлари, хўжалик шартномалари доирасида ажратиладиган маблағлар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Институт

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 31 июлдаги 475 -сон қарорига  
3-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомда:

а) 4-банднинг “а” кичик бандига қуидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“сунъий интеллект асосидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун технологик шароитларни яратувчи;”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

б) 11-бандга қуидаги мазмундаги йигирма биринчи хатбоши қўшилсин:

“Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти;”;

йигирма биринчи хатбоши йигирма иккинчи хатбоши деб ҳисоблансан;

в) 12-банднинг 4-кичик бандидаги “ўсишини рағбатлантиришни” сўzlаридан кейин “сунъий интеллект асосидаги дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш” сўzlари қўшилсин;

г) 13-банднинг 4-кичик бандига қуидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

“сунъий интеллект соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда сунъий интеллект технологиялари асосида бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш бўйича инновацион маҳсулотларни ҳамда уларнинг моделлари, алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилади;”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 7 августдаги 622-сон қарорида:

а) 1-илова (Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепцияси)нинг 3-банди “г” кичик бандининг тўққизинчи хатбошидаги “Интернет буюмлар” сўzlари “Буюмлар интернети” сўzlари билан алмаштирилсан;

б) 2-илова (Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”)нинг 14-бандидаги “Интернет буюмларни” сўзлари “Буюмлар интернетини” сўзлари билан алмаштирилсин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июлдаги 599-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомнинг 5-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:


“5. Фойдаланиши чекланган ер кадастрига доир ахборотга қишлоқ хўжалигини юритиш учун белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ажратилган ер участкасига оид ахборот киради, қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, шу жумладан уларнинг контурлари ва чегаралари тўғрисидаги шахсий идентификациясиз маълумотлар бундан мустасно, ушбу ахборотдан ваколатли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фойдаланадилар”.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг “Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хузурида Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 19 июлдаги 603-сон қарорининг 1, 2, 4, 5, 6, 7, 8, 9 ва 10-бандлари ҳамда иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига тақдим этилаётган электрон давлат хизматларини кўрсатишда шахсни тасдиқлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 30 октябрдаги 679-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги “телефон рақамлари” сўзларидан кейин “, масофадан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID ва бошқалар) учун сунъий интеллект технологияларини кўллаш ҳамда бошқа маълумотлар асосида рўйхатга олиш” сўзлари қўшилсин;

б) 1-илова (“Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими архитектураси)нинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори билан тасдиқланган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегиясида:

а) 3-банднинг учинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“буюмлар интернети – ахборот жамияти учун белгиланган, мавжуд ва ривожланадиган, функционал жиҳатдан мос ахборот-коммуникация технологиялари асосида (моддий ва виртуал) буюмларни бир-бири билан боғлаш йўли билан, бирмунча мураккаброқ хизматлар тақдим этилиши имкониятини таъминлайдиган глобал инфратузилма;”;

б) 9-банднинг “в” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “интернет буюмлари” сўзлари “буюмлар интернети” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 21-банднинг учинчи хатбошисидаги “интернет буюмларини” сўзлари “буюмлар интернетини” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 23-банддаги “интернет буюмлари” сўзлари “буюмлар интернети” сўзлари билан алмаштирилсин.

